Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 14 июнь, шанба • № 47 (10.925) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ҚЎЛЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари олиб келиш ҳамда сотишни тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мақсадида:

1. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига (халқаро транзитдан ташқари);

«вақтинча олиб кириш» режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига;

жисмоний шахслар томонидан (қайтадан жўнатиш ҳам шу жумлага киради) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқлансин. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган нормалар доирасида акцизсиз олиб келиш бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб импортёрлар томонидан акциз маркаларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш юк бўйича ўрнатилган тартибда тўлдирилган божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

2. Давлат солиқ қўмитасига акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш чоғида, шунингдек, уларни яширинча ишлаб чиқариш чоғида шундай маҳсулотлар ва ичимликларни мусодара этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли солиқ идораларининг қарорлари асосида мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг бир ой муддатда баҳоланиши ҳамда махсус дўконлар орқали сотиш учун юборилишини таъминласинлар.

3. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб четдан олиб келинадиган озиқабоп спиртга контракт қийматининг 10 фоизи миқдорида акциз солиғи жорий этилсин.

4. Давлат солиқ қўмитаси йигирма кун муддатда:

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан бирга халқаро транзит тартибида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган, акциз солиғига тортиладиган товарлардан олинадиган бож ҳақи ва акциз солиғини божхона органларининг депозит ҳисоб варағига ўтказиб, ушбу суммани товар республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилгандан кейин қайтариб бериш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 12 июнь.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси қошидаги миллий матбуот марказида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир фикрларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда газеталарнинг бош муҳаррирлари, журналистлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Суҳбат қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида баён этилган оммавий ахборот воситаларига доир масалалар ғоят долзарб эканлигини таъкидладилар. Зотан, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, барча соҳаларда ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада жамоатчилик фикрига ҳам боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда ижтимоий институтлар қатори оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Юртбошимизнинг янги китоби уларнинг бу борадаги ишини янада фаоллаштиришда дастурламал бўлиб хизмат қилади.

(ЎзА).

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев шу йил 18-19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Воқеалар, хабарлар, лиқмиқлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

«БОЛАЛАР КЛУБИ»

ШУНДАЙ клуб Паркент туманида фаолият кўрсата бошлади. Унинг дастурига кўра ўсмирлар, ёзги таътилга чиққан қуйи синф ўқувчилари вақти-вақти билан мазкур масканга тўпланиб, ҳуқуқий билимлар бўйича сабоқ оладилар.

Машғулотларни туман маъмурий идоралари ходимлари, маҳаллалар фаоллари олиб борадилар. Клубнинг асосий вазифаси болалар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олишга қаратилган.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

ҚИБРАЙ тумани «Давр овози» газетаси таҳририяти фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказди.

У Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда шу соҳа мутахассислари олдига қўйган вазифаларга бағишланди. Аҳолидан телефон орқали тушган саволларга туман прокурори Алишер Акромов, ички ишлар бўлими бошлиғи Шуҳрат Тўраев, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Абдуҳалил Абдужамиловлар жавоб қайтардилар. 100 дан ортиқ фуқароларнинг савол-жавоблари «Келинг, дилдан гаплашайлик» сарлавҳаси билан газетада эълон қилинди. «Давр овози» таҳририяти мулоқотни доимий йўлга қўйиш ниятида,

Д. РАҲМАТУЛЛАЕВА.

КИМНИНГ КУТУБХОНАСИ НАМУНАЛИ?

ЎРТАЧИРЧИҚ туманида бўлиб ўтган кутубхоначиларнинг ўзаро беллашувида ана шу савол мусобақанинг асосий шарти қилиб қўйилди.

Танлов ҳайъати ҳар бир қишлоқ, қўрғон ва жамоа хўжаликларига қарашли кутубхоналарнинг фаолиятини ўрганар эканлар, кутубхоначиларнинг қандай ишлаётганликлари, китобхонларга кўрсатилаётган хизмат, китобларни ташвиқот ва тарғибот қилишларига ҳам алоҳида эътибор бердилар. Беллашувда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, Тўйтепа шаҳар ҳамда Туябўғиз қўрғони кутубхоналари совринли ўринларни эгаллади. Кутубхоначилардан Шоира Ярашева, Зуҳра Тиловова, Мухтабар Тангрибердиевалар намунали хизматлари учун ғолиб деб топилиб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Усмонали ҲАМИДОВ.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

ЧИРЧИҚДА бундан уч йил олдин 3-ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида кичик фермер клуби ташкил этилган эди.

Унда қатнашган мактаб ўқувчилари фермерликни ўрганадилар, менежерлик ихтисосини эгалламоқдалар. Айни вақтда маркетинг, ҳисобчилик бўйича билим олишяпти, компьютерда ишлаш сирлари билан танишмоқдалар. Амалий машғулотларни Бўстонлиқ туманидаги жамоа хўжаликларида бевосита далаларда, чорвачилик фермаларида олиб борадилар.Куни кеча бу клубни дастлабки гуруҳ аъзолари битириб чиқдилар. Улар уч йил давомида назарий билим олиш ва амалиёт билан шуғулландилар, шу масканни тугатганлик ҳақида шаҳодатнома олдилар.

Собир ҲАМИДОВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБА ОММАЛАШАДИ

Илғор тажрибани оммалаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу соҳада оқсашга йўл қўямиз.

Тошкент тумани ҳокимлиги ана шу камчиликни тугатиш юзасидан амалий ишлар қилмоқда. Яқинда шундай тадбирлардан бири Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Бу ерда тумандаги хўжаликлардан миришкор боғбонлар тўпландилар.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Сиддиқжон Муҳаммаджонов хўжаликда узумчилик соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб бергач, амалий машғулотлар, тажриба алмашувлар бошланди. Семинар қатнашчилари илғор боғбонлар амалга ошираётган ишлар билан танишдилар.

Хўжалик соҳибкорлари бу йил ялпи узум ҳосили миқдорини 7 минг тоннага етказиш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларини, бунинг учун навбатдаги агротехник тадбирлар нималардан иборат эканлигини гапириб бердилар.

Н. ИСАЕВ.

●Ғалла мустақиллиги учун

БЕЛЛАШУВ ҲАЛОЛ БЎЛАДИ

Унда буюртмани бажарган, омборини тўлдирган, уруғликни етарли жамғарган ғолиб чиқади

Ҳар мавсумнинг ўз шароити, хусусияти бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, 1997 йилда далаларда бошоқли дон экинларидан ўтган йилларга нисбатан мўл ҳосил етиштирилди. Лекин халқимизда даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, деган гап бор. Шундай экан, пишиб етилган ғалла ҳосилини қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш шу куннинг энг асосий вазифасидир.

Туманларда, хўжаликларда мавсумни муваффақиятли якунлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Сўзсиз мавсумда жонбозлик кўрсатган илғорларни рағбатлантириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши шуни эътиборга олиб, туманлар, хўжаликлар, ташкилотлар ва комбайнчилар ўртасида ўрим-йиғимда юқори ташкилотчилик ва уюшқоқлик кўрсатган ҳамда илғор иш усулларини жорий этиб, юқори натижаларга эришган ғолибларни алоҳида тақдирлаш юзасидан қўшма қарор қабул қилди.

Унда таъкидланганидек, бу беллашувда туманлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликлар иштирок этишлари мумкин. Ғалла ҳосилини қисқа муддатда ўриб-йиғиб олган, давлат буюртмасини бажарган ва эркин нархда сотиш, уруғлик ғалла тайёрлаш, давлат омборларига ва заҳираларига дон топшириш бўйича режани биринчи бўлиб якунлаган туманлар ва хўжаликлар ғолиб деб топиладилар. Шунингдек, мавсумда энг кўп ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олган ва янчган комбайнчиларга ҳам алоҳида мукофотлар бор.

Шундай қилиб, туманлар ўртасидаги ғолиблар учун 3 та мукофотли ўринлар белгиланган. Уларни рағбатлантириш мақсадида:

I-ўрин учун — «ТИКО» енгил автомашинаси
II-ўрин учун — 300 минг сўм
III-ўрин учун — 100 минг сўм
миқдорида мукофот пули белгиланди.

Ғолиб хўжаликларни рағбатлантириш учун белгиланган 3 та мукофотли ўрин эгалари қуйидагича рағбатлантирилади:

I-ўрин учун — 100 минг сўм
II-ўрин учун — 50 минг сўм
III-ўрин учун — 25 минг сўм

Комбайнчилар ўртасидаги мусобақага ҳар бир туманда алоҳида якун чиқарилиб, энг юқори натижага эришган **3 та комбайнчи «1997 йилнинг ғолиб комбайнчиси»** деб топилиб, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан санаторий-профилакторийга **бепул йўлланма** билан тақдирланади. Вилоят бўйича 45 та ана шундай йўлланма ажратилди.

Шундай қилиб, вилоятимизда ғалла ўрим-йиғими авжи паллага кирмоқда. Биз эса деҳқонларимизга баракали хирмон ва бу мусобақада ғолиб чиқишларини тилаб қоламиз.

РИЗҚ-РЎЗ

ҒАЛЛА — нон, ғалла — ош, ғалла — ризқ-рўз, ғалла — маъмурчилик, ғалла — тўкинчилик, ғалла — тўқчилик. Булар халқ таърифи. Халқ ҳеч қачон адашмайди. Чунки, элнинг баҳоси йиллар, асрлар синовларидан ўтган бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга киришилганда ғалла мустақиллигини таъминлаш энг биринчи масала қилиб қўйилди.

Бугун юртимизда ана шу ризқ-рўз пишиб етилди. Далаларда товланиб турган «олтин бошоқ»лар, деҳқон юзидаги табассум йилимиз баракали, қутли келганлигидан дарак бериб турипти.

Бунинг исботини Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Биз «Мўл ҳосил етиштирилди», деган иборани ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Ҳақиқатан ҳам шундайми?!

— Ҳа, — дейди жамоа хўжалиги раиси Турғун Орипов. — Деҳқонларимиз ғаллачиликда ҳам катта тажриба тўплай бошладилар. Бу йил 700 гектар майдонга экилган ғалладан кам деганда 40 центнердан хирмон кўтаришни режалаб турибмиз. Далаларда 6 та комбайн ишламоқда. Кунига хирмонга 150 тонна сара дон топширяпмиз.

— Ҳар мавсумнинг ўз хусусияти бўлади, дейишади. Одамларимиз тажриба тўплай бошладилар, дедингиз...

— Бу йилги мавсумнинг ўтган йиллардагидан биринчи фарқи шундаки, ғаллани эрта экдик, озуқасини, сувини вақтида бердик. Парвариш қилишни ўргандик. Мана, натижаси. Агар 1996 йилда 20 июнда ўрим-йиғимга киришган бўлсак, бу йил 20 июнгача давлат бюртмасини бажарамиз. Жами 2800 тонна ғалла йиғиштириб оламиз. Тажриба тўплаганлигимиз шундаки, мавжуд техника воситалари, ўрим-йиғим учун зарур бўлган барча ташкилий ишлар ўз вақтида амалга оширилди. Ҳамма соҳа, хусусан, ғаллачилик ҳам ўз эгасини топди. Бош муҳандис Тоҳир Абдужабборов бошчилигидаги кўчма устахона даланинг ўзида ишлаяпти. Савдо, маданий, маиший хизмат ҳам далага кўчган. Ҳабибулла Каримов тайёрлаб бераётган таомлар эса барчага маъқул бўляпти. Яна бир гап. Биз 700 гектар майдонни 93 нафар ижарачига тақсимлаб бердик. 40 центнердан ортиқ ғалла уларнинг ўзларида қолади. Мўл ҳосил етиштирган ижарачилар кўп.

Дарҳақиқат, хўжалик далаларида шитоб билан давом этаётган ғалла ўримини кузатар экансиз, раиснинг гаплари қуруқ эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Хўжалик йўлларида бугун ғалла карвони қатнамоқда. Хирмонга ризқ-рўз ташилмоқда. Хирмонингизга барака, жўмард ғаллакорлар!

Ф. ФАТТОҲОВ.

Жамоатчи фотомухбиримиз Александр Мальцев тасвирга туширган суратда: (ўнгдан) жамоа хўжалиги раиси Турғун Орипов, механизатор Фарид Галиев ва ғаллакор Карим Рўзиевларни кўриб турибсиз.

ОЙДИН ЙЎЛ

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида буюк келажагимизнинг дастурий асослари белгилаб берилди.

ТАРИХИЙ воқеаларга бой XX аср тугаб бормоқда. Инсониятнинг ривожланиш йўли, бундан кейинги тақдири қандай кечади, жаҳон ҳамжамиятига кириб борган мустақил Ўзбекистонимизни XXI асрда нималар кутяпти, танлаган йўлимиздан хотиржам ва дадил олға боришимиз, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишимизга нималар халақит беряпти?

Бу ва бунга ўхшаш жуда кўп саволларга юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида (Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари)» номли янги китобидан жавоб топиш мумкин («Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил).

ИЛМИЙ таҳлиллар ва умумлашма хулосаларга бой бу фундаментал тадқиқот фақат республикамизда эмас, балки жаҳонда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Чунки Ўзбекистон ҳозир дунё сиёсатининг диққат марказида турибди. Ўзбекистоннинг мавқеи, Ўзбекистон давлатининг тутган сиёсати Марказий Осиёдагина эмас, балки жаҳон миқёсида кўп масалаларга таъсир этаётгани, стратегик режаларни ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бораётганлиги қилни қирқ ёрган сиёсатдонларга ҳам аён бўлиб қолди.

Ва, умуман, шуни айтиш керакки, ҳозир курраи замин ягона бир манзилгоҳ, ўзаро боғланган ҳаракат майдонига айланиб бормоқда. Бир минтақа ва ҳатто, бир мамлакатда, у катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, юз берадиган воқеалар жаҳон сиёсатига таъсир этмасдан қолмайди. Алалхусус, Марказий Осиё фақат парчаланган шўролар империясидан қутулиб, бозор иқтисодиётига юз тутган янги мустақил давлатлар жойлашган жуғрофий-ҳудудий маконгина эмас, балки, иқтисодий манфаатлар, сиёсий таъсирлар тўқнаш келаётган макон ҳам бўлиб қолди. Шу учун бизнинг давлатимиз сиёсати жаҳонда ўзига хос акс-садо бериб турибди.

Ислом Каримов ўз китобида ана шу жиҳатни махсус қайд этиб, илмий асосланган, узоққа мўлжалланган пухта сиёсатни ишлаб чиқишнинг нақадар муҳимлигини тушунтиради, миллий хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ички ва ташқи кучлар, кескинликни вужудга келтираётган салбий ҳодисаларни бир-бир кўрсатиб ўтиб, бизни огоҳлантиради.

Хўш, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳодисалар нималардан иборат? Юртбошимиз назарида минтақадаги беқарорлик, ҳарбий можаролар, шу билан боғлиқ кучайиб бораётган диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, экологик муаммолар, маҳаллийчилик ана шундай хавф туғдираётган ҳодисалардир. Булар миллий ягоналигимизга, барқарорликка, демакки, давлатимиз қудратига ва охир-оқибатда мустақиллигимизга ҳам хавф туғдиради.

Шуни айтиш керакки, минтақавий можаролар, диний экстремизм ҳақида, жиноятчилик, қурол ва наркотик моддалар билан савдо қилишнинг хавфу хатари ҳақида Президентимиз ўз нутқларида, журналистлар билан қилган суҳбатларида илгарилари ҳам гапирган эди. Аммо бу асарда ушбу иллатларнинг туб сабаблари ва қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши чуқур очиб берилади ва улар кўплаб далиллар билан бирма-бир исбот қилинади.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этмоқчиман. И. Каримов китобини ўқиган киши шунга иқрор бўладики, диний экстремизм, буюк давлатчилик шовинизми ҳам, агрессив миллатчилик ва шунингдек, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ҳам маънавий қашшоқлик, жаҳолат ва мутаассибликнинг, шахсий манфаатпарасликнинг натижасидир. Маънавий баркамол одам, масалан, ўзи эътиқод қўйган дин билан керилмайди, манманлик, такаббурлик қилмайди, балки, динни қалбни поклаш, ахлоқий етуклик белгиси, имону инсоф қалъаси деб билади. Ўзга дин ёки мазҳаб вакиллари эътиқодини ҳам ҳурмат қилади, уларга душманлик кўзи билан қарамайди. Чунки, барча яхши ниятлар, хайрли ишлар, таълимотлар инсон камолотига, инсон шаъну шарафини кўтаришга хизмат қилиши керак. Инсон камолотига, бахту саодатига хизмат қилмайдиган, жамият ривожига ҳисса қўшмайдиган эътиқод ҳақиқий эътиқод эмас. Инсонни аввало инсон бўлгани учун қадрлаш даркор. Дин ҳам инсонлардаги инсонийлик, илоҳийликни кашф этиш, уни ривожлантириш учун бизга юборилган. Шундай тушунсаккина, биз Аллоҳ олдимизга қўйган вазифани адо этамиз. Дин қон тўкиш, вайронгарчилик, ҳалокатлар ва фалокатлар сабабкорига айланмаслиги лозим. Бундан Худо ҳам, бандаси ҳам рози эмас. Ҳолбуки, турли мазҳабпарастлар динни сиёсат қуролига, тарафкашлик, калондимоғлик, нафсу ҳирс воситасига айлантирганлар, ўзларини «соф» дин тарафдори, шариат ҳомийси қилиб кўрсатиб, амалда Худога хуш келмайдиган жиноий ишларга қўл урадилар, одатларимизни оёқ ости қиладилар, аждодлар хотирасини топтайдилар. Экстремистлар ёки «ваҳҳобийчилик» ғоясини кўтариб юрган фундаменталистлар миллий қадриятларимиз, тарихимиз, улуғ аждодларимизга нафрат кўзи билан қараб, одамлар орасига зиддият уруғини экиб, баъзи ёшларни эргаштириб, уларни ота-оналарига қарши қўймоқдалар, маҳаллаларда, масжидларда нохуш қайфиятни вужудга келтирмоқдалар. Бунинг хавфли томони яна шундаки, экстремистлар мамлакат ташқарисидан мадад кутишга шай турибдилар ва пайт келди дегунча ўз ҳомийлари ва маслакдошлари билан нопок ва манфур ниятларини амалга оширишга чоғланадилар. Президент масаланинг ана шу томонига ҳам диққатимизни қаратди. Ўрни келганда, шуни айтиш керакки, бизнинг улуғ мутаффаккирларимиз диний ва мазҳабий низоларни қоралаб келганлар. Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа дин ва тасаввуф пешволари, руҳоний пирларимиз диндан маърифат қидириб, жоҳил ва нодон ақидапарастларни зоҳирбин, калтафаҳм кишилар сифатида тилга олганлар.

Машҳур сўфий шоир Жалолиддин Румий фикрича, «Ҳар бир набий ва валийнинг ўз маслаги, йўли бор, аммо, Худо олдига борганда бу йўллар бирлашади, чунки, Худо битта ва у эзгулик учун курашган инсон қалбидадир». Шу боис баъзан динларни бир-бирига қарши қўйиш, афзаллик қидириш, ўз динини ҳақ, ўзганикини ботил, деб эълон қилиш каби ҳолларга ҳам дуч келамизки, бу ғоят номақбул усулдир. Бу иш баъзан ошкора, баъзан яширин ҳолда юз бермоқда. Бундан иложи борича тезроқ қутулмоқ даркор. Диний экстремизм ва жаҳолатпарастлик каби шовинизм ва бир ёқлама миллатчилик ҳам зарарлидир. Экстремизм, диний мутаассиблик диндорлар ичида ва диндорлар билан аҳолининг бошқа қисми орасида низо солса, агрессив миллатчилик турли миллат вакиллари орасини бузади, бир-бирини камситиш, мерос талашишларига сабаб бўлади.

Аслини олганда, буюк давлатчилик шовинизми билан агрессив миллатчилик бир-бирини тақозо этадиган, бири-иккинчисини келтириб чиқарадиган ҳодисалардир. Шу боис Ислом Каримов асарида бу икки салбий ҳодиса бирга олиб қаралган, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва зарари очиб берилган. Шундай экан, осойишталик ва сиёсий барқарорлик бизга сувдай, ҳаводай зарур. Ҳаёт буни ҳар кун, ҳар қадамда исботлаб турибди. Беқарорликдан фақат ёмон ниятли одамлар фойдаланади, беқарорлик тангликни, ўзаро нафрат ва адоватни туғдиради. Миллатлар, элатларнигина эмас, балки бир миллат одамларини ҳам бир-бирига душман қилиб қўяди.

Бизнинг ҳар биримиз шу муқаддас Ватан-Ўзбекистон фуқаросимиз.Ана шу туйғу Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларни бирлаштириши, жипслаштириши керак. Биз туғилган жойимиз, маҳалламизни севамиз, шаҳримиз, туманимиз, вилоятимиз билан, қавмдошларимиз, миллатдошларимиз ютуғи билан фахрланамиз. Аммо ҳаммамизнинг олий туйғумиз Ўзбекистон деган азиз ва мўътабар Ватанга мансублик, шу мўътабар Ватан фуқароси бўлиш туйғусидир.

Инсоннинг маънавий етуклиги, миллий қадриятларнинг умумжаҳон маънавий қадриятлари билан боғланиши, уйғунлиги ҳам шуни тақозо этади. Бу юксак маданият, жаҳон цивилизациясига мансублик ва муносиблик белгиси ҳам бўлади. Ана шундай юксак онгли, маърифатли одамлар жамияти билан катта қўламдаги туб ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни тараққий эттириб, илм-фан, таълим-тарбия, хуллас мўлжалдаги жамики яхши ишлар, эзгу ниятларни муваффақият билан амалга ошириш мумкин.

Ислом Каримов ўз президентлик фаолиятининг биринчи кунларидан бошлабоқ хавфсизлик ва ҳамжиҳатлик сиёсатининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди ва бу сиёсатни қатъият ва изчиллик билан давом эттирмоқда. Унинг янги асарида сиёсий барқарорлик ва ижтимоий миллий хавфсизликнинг кенг қўламдаги бутун бир назарий тизими, илмий исботланган дастури ишлаб чиқилган.

«Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш республикада амалга оширилаётган сиёсатнинг ўзагини ташкил этади», деб ёзади муаллиф.

Ислом Каримов жаҳон сиёсат майдонида амалиётчилик билан илмий-назарий фаолиятини ажабтовур тарзда омухта эта олган шахс сифатида обрў-эътибор қозониб келмоқда.

Ушбу китобда ҳам шу хислат яққол кўзга ташланади. Яъни мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, ижтимоий-иқтисодий, тадбирлар, маънавият ва мафкура соҳасидаги ислоҳотлар натижаси обдон таҳлилдан ўтказилади. Кейин шулар асосида умумлашма назарий хулосалар чиқарилади, уларнинг тўғрилиги, ҳаёт синовидан ўтганлиги исботланади ва шулар асосида яна янги поғонага кўтарилган, такомиллашган назарий қарашлар, фикрлар тўпланиб, ҳаётга тадбиқ этилади. Қисқаси, амалиётдан назарияга ва назариядан яна амалиётга қараб борилади. Шу зайлда, дунё тажрибаси, минтақадаги ва дунёдаги сиёсий аҳволни ўрганиб, янги аср бўсағасида цивилизациянинг тубдан янги поғонасига кўтарилаётган Ўзбекистоннинг халқаро аҳволи, имкониятлари, келажаги ёритилади. Илм ва амалиёт, сиёсат ва ҳаёт қонуниятларининг нақадар ўзаро чамбарчас боғлиқлиги китобнинг ҳар бир саҳифасидан кўриниб турибди.

Муаллифнинг фикрлаш тарзи, қарашлари, схоластикани, бир ёқламаликни мутлоқ рад этади. Ҳар бир жумлада ҳаёт диалектикасининг ифодаси бор. И. Каримов ҳаёт жараёни, объектив ҳақиқатларни ўрганиб, сиёсатни шунга қуради. Бу ҳам бизга ибрат бўлиши керак, чунки кўпчилигимиз ҳали тоталитар даврнинг ҳаёт зиддиятларига дош беролмайдиган, ҳақиқатлардан қўрқиб, уни четлаб ўтишга уринадиган юзаки фикрлаш тарзидан қутилганимиз йўқ. Муаллиф ҳеч нарсани яширмай, четдан бўлаётган таҳдидларни ҳам, жамиятимизнинг ичида юз бераётган зиддиятларни ҳам очиқ-ойдин баён этмоқда. Коррупция, жиноятчилик, порахўрлик иллатлари, дейди Президент, нафақат жамият ичида норозилик туғдиради, балки, агар олди олинмаса, давлатни обрўсизлантириши, ишончсизлик ва беқарорликни юзага келтириши мумкин. Ёмони шуки, жиноятчилик ва коррупция экстремизмга озуқа беради, уни кучайтиради, ҳар хил тўдаларнинг бемалол ҳаракат қилишига имкон яратиши ҳам ҳеч гап эмас.

Китобда XXI асрга қараб дадил қадам қўяётган Ўзбекистоннинг «тараққиёт пойдевори ва кафолати» бўлган сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизлик ҳақида кенг мулоҳаза юритилар экан, бунинг биринчи ва бош омили сифатида яна маънавият, маънавий баркамоллик тилга олинади, маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг нақадар муҳимлиги ва зарурлиги исбот қилиб берилади.

Дарҳақиқат, ўз-ўзини, ўз миллатининг тарихи, шон-шуҳратини англаб етган кишиларгина ўз ватанларини чин юракдан севиб, ўз жонажон давлати атрофига жипслаша оладилар, барқарорлик сиёсатининг моҳияти ҳам шунда англашилади. Эндиликда тоталитаризм замонида, мустамлака сиёсати зуғуми остида эзилган халқимизнинг миллий қадриятлари тикланди, динимиз, одатларимиз, тилимиз, байрамларимизни ҳаётга қайтардик, буюк сиймоларимиз билан фахрланиб, улар меросидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида қўлга киритилган улуғ неъматлардир. Халқимизнинг қадди кўтарилди ва оламаро кўринди, фикри — қарашлари тетикланди, қалбида журъат, жасорат пайдо бўлди.

Шундай қилиб, миллий маънавий камолот етуклик белгиси, лекин, миллатсеварлик агрессив миллатчиликка ҳамда буюк давлатчилик шовинизмга айланмаслиги керак. Ислом Маърифати — маънавиятимизнинг таркибий қисми, эътиқод эркинлиги дахлсиз, аммо экстремизм, мазҳабпарастлик — хавфли ҳодиса. Бизни улуғлайдиган, оқил ва ориф этадиган, фазилатимизга фазилат қўшадиган таълимотлар, хислатларни олишимиз, жаҳолат ва тубанликка, айирмачилик ва маданиятсизликка тортадиган иллатлардан узоқ туришимиз, жамиятимиз яқдиллигига рахна соладиган оқимларнинг таъсирига берилмаслигимиз керак.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида (Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари)» номли китоб миллат, халқ муҳаббати ва қайғуси билан ёзилган асар. Унда гарчи хавфухатарлар таҳдиди ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида сўз борса-да, бироқ муаллифнинг келажакка мустаҳкам ва қатъий ишончи, оптимистик руҳ барқ этиб туради.

Муаллиф Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий бойликлари, ҳар қандай ташқи тажовузни қайтаришга шай турган қуролли кучлари, ақлий-ижодий салоҳияти хусусида батафсил ёзади. Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли ислоҳотлар қадам-бақадам, босқичма-босқич амалга ошмоқда.

Янги жамиятга ўтиш, эскиликни синдириб, бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ижтимоий муносабатларни шакллантириш осон кечмайди, албатта. Лекин, ана шу мураккаб жараён — ҳам тоталитаризм ва ҳам мустамлакачилик асоратларини енгиб бориш жараёни юртимизда бухронларсиз юз бермоқда. Буларнинг ҳаммаси барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги туфайлидир. Шу боис жамиятимизда сиёсий барқарорлик қанча мустаҳкам бўлса — тараққиёт муваффақияти, юрт фаровонлиги, халқнинг бахтли ҳаётга эришуви шунча тез ва муваффақиятли кечади.

Китоб муаллифининг бош хулосаси ана шу. Китобда дунё сиёсатининг жуда муҳим, кардинал масалалари тадқиқ этилган. Чунки, хавфсизликни таъминлаш фақат бизнинг муаммомиз, бизнинг дардимиз эмас. Минтақавий можаролар, коррупция, наркотик моддалар савдоси, террорчилик бутун дунё аҳлини ташвишга солиб турибди.

Ислом Каримов асарида кўтарилган масалаларнинг ҳар бири билан хорижда катта-катта институтлар, тадқиқот марказлари шуғулланаётгани, йирик давлат арбоблари бу ҳақда бош қотираётгани ҳаммага маълум. Шунинг учун бемалол айтиш мумкинки, юртбошимиз фақат ўз фуқароларингина эмас, жаҳон аҳлини ҳам огоҳлантирмоқда, биргалашиб, фалокатларга қарши курашга чорламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг янги китобини Ўзбекистон давлатининг ҳозирги ва келажак — XXI асрдаги сиёсатини акс эттирган ҳаракат дастури деб айта оламиз. Аммо, у мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасига ҳам талай вазифалар юклайдиган дастурдир. Чунки, барқарорлик, ҳамжиҳатлик учун ҳаммамиз биргаликда курашишимиз керак. Янги асарнинг моҳияти ва мақсадини англаб етиб, ўз келажагимиз учун дадил ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори.

Эртага — тиббиёт ходимлари куни

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

ҲЕЧ ким касал бўлмасин. Лекин, иссиқ жон. Бирон кишининг тоби қочиб қолса, биринчи бўлиб, оқ халатли нажоткорларга мурожаат этамиз. Улар ўзларининг муолажалари, ширин сўзлари билан жонга оро кирадилар. Дарддан фориғ бўлган киши дунёга қайта келгандек ҳис этади ўзини ва дўхтирларга беҳад миннатдорлик изҳор қилади.

Эртага ана шу касб эгаларининг байрами. Шу айём арафасида биз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи А.С. Содиқов билан мулоқотда бўлдик.

— Абдувоҳид Содиқович, аввало, сизларни «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси, барча муштарийлар номидан байрам билан муборакбод этамиз. Эл бахтига омон бўлинглар. Таҳририятга шифокорлардан миннатдор бўлиб кўплаб мактублар келмоқда. Уларда дил сўзлари ҳамда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришлар хусусида гап боради...

— Суҳбатимизни илиқ сўзлар билан бошлаганингиз учун катта раҳмат. Лекин, камтарликка йўймангу, мен сўзимни ютуқлардан ҳам кўра фаолиятимиздаги камчиликлардан бошламоқчиман. Зеро, биз аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ҳали талаб даражасида йўлга қўйдик, дея олмаймиз. Шифохоналарда дори-дармонлар етишмаслиги, тиббий асбоблар танқислигидан тўла холи эмасмиз. Кўпгина шифохоналар, фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар бинолари капитал таъмирга муҳтож. Кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида белгиланган режалар етарли даражада амалга ошмаяпти. Очиғини айтиш керак, бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида ислоҳотлар йўлидан бораётганлигимиз, янгиликлар сари интилаётганимиз туфайли саъй-ҳаракатларимиз натижаси эндигина ўзини кўрсатмоқда. Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида ҳамда бошқарма томонидан тайёрланган «1996-1998 йиллар мобайнида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг дастури»га мувофиқ, шу йилнинг биринчи чорагида 20 та қишлоқ шифокорлик пункти очилди. Уларда ички касалликларни ҳам, болалар хасталикларини ҳам тушунадиган, даволайдиган, зарур ҳолатларда енгил жарроҳлик операцияларини бажарадиган малакали дўхтирлар ишлашмоқда.

Яхши натижаларни таъминлаган иккинчи йўл — бу касалхоналар, амбулаторияларда ўринлар сонини камайтириб, кундузги ва уй стационарларида даволаш услубига кенг имконият яратганлигимиздир. Масалан, касалхоналарда 1996 йилда 1400 та, шу йилнинг биринчи чорагида 632 та ўрин қисқарди. Эндиликда шифохоналар қошида 152 та кундузги, 213 та уй стационарлари беморларга хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида амбулатория, поликлиникалар қошида очилган кундузги шифохоналарда 10 минг 347 нафар, касалхоналар қошидаги кундузги стационарларда 7412 нафар, уй стационарлари орқали 16 минг 326 нафар бемор даволанди. Даволашнинг бу янгича усуллари ва шифокорлик пунктларининг очилганлиги тизимимизга катта самара берди.

Гап аҳолига тиббий хизматни яхшилаш ҳақида борар экан, бошқарма мутахассислари, раҳбариятидан иборат сайёр гуруҳнинг жадвал асосида навбатма-навбат шаҳар ва туманларда бўлиб, беморларга муолажа кўрсатишнинг қай аҳволда эканлигини назоратдан ўтказганликлари ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Ана шундай чиқишлар чоғида кўплаб бош шифокорлар, шифокорлар шаҳодат кўригидан ўтказилдилар.

Қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг соғлиқни сақлашга ғамхўрлик кўрсатаётганликларини учинчи омил сифатида келтиришим мумкин. Бу борада Тошкент, Зангиота, Оҳангарон туманлари ҳокимликларини алоҳида тилга олмоқчиман. Хусусан, Қибрай тумани ҳокими ташаббуси билан марказий шифохона қошида қариялар саломатлигини тиклаш бўлими очилди. Ангрен шаҳар ҳокимлиги ёлғиз қариялар, ногиронлар саломатлик маркази учун зарур маблағ ажратди. Янгийўл шаҳрида ногирон болалар учун сиҳатхона, ота-онасиз болалар учун эса болалар уйи очилиш арафасида. Бу туман ва шаҳарларда она ва бола муҳофазасига алоҳида эътибор берилганлигини ҳам қайд этишни истардим.

— Шу ўринда вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза этиш масаласига ҳам тўхталсангиз.

— Она ва бола саломатлигини таъминлаш масаласи дастуримизнинг бош йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда шаҳар ва туманлардаги 22 та марказий шифохонанинг ҳаммасида акушерлик мажмуи фаолият кўрсата бошлади. Улар замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган. Энди бу жойларда ҳомиладор аёллар туғишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик аниқланса, даволанади. Кўз ёригандан кейин эса она ва боланинг саломатлигини тиклаш бўлимида қувват тўплагач, шундан кейингина уйларига юборишлари қатъий қилиб қўйилди.

— Байрам истагингиз...

— Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг 102 шифохонаси, 279 та поликлиникаси, 20 та қишлоқ шифокорлик, 538 та фельдшер-акушерлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган 5 мингдан зиёд шифокорларимизни, 24 мингдан кўпроқ ўрта тиббий хизмат ходимларини байрам билан чин дилдан табриклайман.

Суҳбатдош
Саидвали ҲАСАНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН. Газета саҳифаланаётганда тиббиёт ходимларидан бир гуруҳи вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганини маълум қилишди. Биз уларни яна бир бор касб байрамлари ва мукофот билан қутлаймиз.

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармасининг поликлиникасида енгил операцияларни зудлик билан амалга ошириш бўйича жарроҳлик бўлими мавжуд. И. Қозоқбоева ана шу бўлимда кўп йиллар ишлаб тажриба орттирган ҳамда жамоа ҳурмат-эътиборини қозонган жарроҳлардан.

Суратда: И. Қозоқбоева.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ ЎЗБЕКИСТОН — Италия қўшма корхонаси номига Москвадан таклифнома келди. Унда «Совпластитал»га сентябрь ойида Россия пойтахтида ўтказиладиган «Кимё—97» халқаро кўргазмасида қатнашиш таклиф этилди.

◆ АҚШнинг Луизиана штатидаги Форт-Полк деб аталган ҳарбий базада 11 июндан 4 июлгача НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича ўтказиладиган ҳарбий машқлар бошланди. Унда 18 мамлакатдан 2 мингдан ортиқ аскар ва зобит қатнашмоқда. Форт-Полкдаги машқларда иштирок этаётганлар орасида ўзбекистонлик ҳарбийлар ҳам бор.

◆ ТОШКЕНТДА қуёш қувватидан фойдаланишга бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Бу йиғин ЮНЕСКО, ЮНИДО, Оврупо комиссияси, Халқаро Энергетика Агентлиги шафелигида уюштирилди.

◆ ЎТГАН сешанба куни Ўзбекистон Республикаси ва Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартномани тасдиқловчи ёрлиқларнинг алмашув протоколини имзолаш маросими бўлди.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

◆ МОСКВАДА Федерация Кенгашида Россия-Беларусь иттифоқига доир ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Уни ёқлаб қўпчилик — 144 киши овоз берди. 3 та бетараф, қарши — йўқ. Лекин, Беларусь президенти А. Лукашенко ўша куни ўз парламентида нутқ сўзлаб, мазкур ҳужжатларнинг амалга оширилишига Россиянинг олий мартабали амалдорлари қаттиқ тўсқинлик қилмоқдалар, деб айтди. Унинг бу кескин танқиди ҳаммани ҳайрон қолдирди.

◆ ЯҚИН Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнлари ҳамон бир изга тушмаётир. Исроил бош вазири Б. Нетаньяху Миср президенти Хусни Муборак, Фаластин мухториятининг раиси Ёсир Арофат эса Оммонда Урдун подшоси Хусайн бин Талол билан учрашганларидан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Исроилликлар Фаластин давлати тузилишига ҳамон қарши бўлиб туриптилар. Шунингдек, улар Қуддус (Иерусалим) шаҳри устидан тўлиқ ҳукмронлик ўрнатмоқчилар. Фаластинликлар эса Шарқий Қуддусга даъвогарлик қилмоқдалар.

◆ ДАНИЯ пойтахти Копенгагенда газчиларнинг Халқаро конгресси очилди. Унда шу соҳага даҳлдор компаниялар раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, бизнесменлар иштирок этмоқдалар. Бундай анжуман ҳар уч йилда бир марта чақирилади.

◆ АФРИКАДАГИ Конго Республикаси пойтахти Браззавилда, мана, бир неча кундирки, президент Паскаль Лиссубега содиқ ҳарбий кучлар билан мухолифатчи Дени Сассу-Нгессо жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Уларнинг мақсади давлат тўнтариши қилишдир. Куни кеча бу можарога Франция аралашиб, пойтахт худудидаги яқин жойга 2 мингдан зиёд десантчи туширди.

БИРОВНИНГ ҚОНИ БИРОВНИ ҚЎЙМАС

ГОҲО-ГОҲИДА бутун жаҳонда шов-шув қўзғатадиган воқеалар бўлиб туради. Ана шундай ҳодисалардан бири 1995 йилнинг 19 апрель куни содир этилган эди. Ўша куни АҚШнинг Оклахома штати марказидаги Оклахома - Сити кўчасида жойлашган федерал идора маҳкамаси биносида даҳшатли портлаш рўй берди. Бир зумда 168 киши ҳалок бўлди, ҳашаматли иморатнинг бир қисми вайрон этилди... Дарҳол тарқалган бундай совуқ хабардан бутун америкаликлар лол бўлиб қолдилар.

Қотил ким? Бундай мудҳиш ишга ким ёхуд кимлар қўл урди? Саволлар, саволлар... Чунки, бу тарихда террорчилик ҳуружи АҚШ тарихида камдан-кам бўлган эди. Қулоқларни қоматга келтирган «тез ёрдам» машиналарининг увиллашлари, бурда-бурда бўлиб кетган жасадларнинг кўрсатилиши, катталар ва ёшлар кўзларидаги кўрқув аломатлари ҳамон ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилган эмас.

Ўшанда — портлаш бўлганидан сўнг 1,5 соат ўтгач, гумон қилинган — Америка армиясининг собиқ сержанти — Тимоти Маквей деган кимса ушланган эди. Тезда унинг ўтмиши аниқланди. У Нью-Йорк штатининг Пенделтон шаҳрида туғилиб ўсган. Мактабдан сўнг армия хизматига ёлланган. Ироқ урушида қатнашган. Оғир «Брэдли» танкининг ҳайдовчиси бўлган. Довюраклиги учун «Бронза юлдузи» ордени билан мукофотланган. Кейин Аризона штатидаги ҳарбий қисмда хизмат қилган.

Гумон, барибир гумон. Унинг айбдор эканлигини исбот этиш лозим эди. Икки йилдан ошиқроқ муддат давомида устаси фаранг терговчилар баайни ана шу вазифа билан машғул бўлдилар. Ниҳоят май ойи охирида Т. Маквей устидан суд бошланди. Денвер федерал судининг мажлисида унинг айбдор ёхуд айбдор эмаслиги ўз ечимини топиши лозим эди.

Суд жараёни оғир кечди. Бутун Америка халқининг нигоҳи, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг эътибори ана шу нуқтага қадалди. Суд 19 кун давом этди. 137 нафар гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди. Шу жумладан, Т. Маквейнинг собиқ дўстлари Терри Николас, эр-хотин Майкл ва Лари Фортьелар ҳам сўроқ қилиндилар. Аста-секин ҳақиқат юзага чиқа бошлади. Маълум бўлишича, Техас штатининг Уэйк деган жойида жойлашган «Давидчилар тармоғи» деган диний мазҳаб гуруҳи биносини полициячилар қуршаб оладилар. Ноилож қолган 80 нафар «художўйлар» ўзларини ёқиб юборишга мажбур бўладилар. Шундоқ ҳам Америка давлатчилигидаги ҳуқуқ-тартибот тамойилларини ёмон кўрган Т. Маквей ниҳоятда дарғазаб бўлади ва ўзининг қора ниятини амалга ошириш ҳаракатига тушади. У дўсти Т. Николас билан биргаликда «Райдер» юк машинасини ижарага олади. Уни портлагич билан тўлдириб, Оклахома-Сити кўчасидаги федерал бино олдига қўядилар. Бироздан сўнг юқорида айтилган даҳшатли портлаш рўй беради.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари, портлагич сотиб олинган ерда қолдирилган бармоқ излари, қотилнинг кийимидан топилган портлагич юқлари, юк машинаси олаётганлигини кўрганларнинг гап-сўзлари Т. Маквейнинг чиндан ҳам жиноятчи эканлигини кўрсатиб турарди. Бироқ, ҳимоя томони айрим далиллар келтириб, уни оқламоқчи бўлди. Аммо, улар келтирган далиллар ўз мантиғини топмади.

Ўтган ҳафтанинг охирлари ва жорий ҳафтанинг бошлари ҳаяжонли бўлди. Давлат арбобларидан тортиб оддий одамларгача, қурбон бўлганларнинг фарзандларидан тортиб қариндош-уруғларигача, оммавий ахборот воситалари мухбирларидан тортиб катта шарҳчиларгача — ҳамма-ҳамма суднинг «оғзини» пойлади. Суд жамламаси қандай қарорга келади?! Суд ҳайъати уни ўлимга ҳукм этишни сўрамаса, судья унда умрбод қамоқ жазоси берадими?!

Ниҳоят, бош судья Ричард Матчнинг залворли овози эшитилди. Суд аъзоларининг ҳаммаси Т. Маквейга қўйилган айбларнинг барчаси — 11 модда бўйича уни айбдор деб топдилар. Лекин, жазо қанақа? Ўлимми? Умрбод қамоқми? Ёки бошқа жазоми? Эндиги гапни яна бош судья Р. Матч айтиши керак. 29 яшар Т. Маквей айни кунларда ўзининг бундан кейинги тақдирига даҳлдор бўладиган ҳукмни пойламоқда. Оклахома штати губернатори Фрэнк Китингнинг гапларига қараганда, террорчи — қотилни энг оғир жазо кутмоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

◆ ЛУБНОНЛИК Али Муҳаммад Ҳусайн ер куррасидаги энг кекса инсон ҳисобланади. У яқинда 135 ёшга тўлди.

◆ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ Норин вилоятидаги Ленин қишлоғининг қариялари оқсоқоллар мажлисини чақириб, кексаларга спиртли ичимликлар ичишни қатъиян ман этадиган қарор қабул қилдилар. Отахонларнинг фикрича, ичкиликбозлик ёшлар маънавиятига жуда ёмон таъсир қилмоқда.

◆ БОКУДА истиқомат қиладиган эр-хотин ўртасида ғалати жанжал чиқди. Оила бошлиғи яхши кўрадиган мушук уй бекасига ёқмай қолди. У «ё мени, ё уни» дейсиз, деб туриб олди. Асли келиб чиқиши турк бўлган бойвачча эр ўйлаб-нетиб ўтирмай хотиннинг бахридан ўтди. Судга ажралиш тўғрисида ариза берилди.

◆ ФИЛИППИНЛИК Арели Кех хоним 64 ёшида биринчи фарзанд кўрди. Лондонлик Дэйл Ройт эса 29 ёшида 14 яшар ўғлидан набира орттирди.

◆ ХИТОЙ Халқ Республикасида сигарета чекувчиларнинг сони 320 миллион кишига етди. Уларнинг 20 миллиони хотин-қизлардир.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 16

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!
Профилактика муносабати билан 16 июнь, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Беодоб». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.05 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистон халқ артиси Яйра Абдуллаева.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.50 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр мақони». 3-қисм.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм .6 -қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот»
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар» Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Спорт қитъаси».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55—00.05 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистонё». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». Фильм-концерт.
9.05 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
9.25 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Оҳунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Биз танлаган касб».
11.30 «Ҳаёт мезони». Публицистик кўрсатув.
12.05 «Мусиқа ва шеърият».
12.25 «Сўлим мавсум». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
*
17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «ТЭФИ—97». Телевидение соҳасида касб бўйича мукофотларнинг топширилиш тантаналари. 2-қисм.
22.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Канизак Изаура». Телесериал (Бразилия).
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Жаҳон».
20.00 Эълонлар.
20.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
20.55 «Сўз — сизга».
21.10 «Авторейд».
21.20 «Тасвир».
21.25 «Ракурс».
21.55 «Спорт-тайм».
22.25 «Аёл».
22.55 «Дидар».
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Учқудуқ ислоҳотлар чорраҳасида».
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Мехвар». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофельм. 6-қисм.
12.45 «Файзли дамлар».
13.00 «Маслёнкиналик бузоқча». Мультфильм.
13.15 «Қишлоқ стадионларида».
13.30 «Пўлат тулпорлар».
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.30 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Барака ёмғири». Мультфильм.
18.20 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.45 «Фармон ва ижро».
19.05 «Сиҳат-саломатлик». Дардларга малҳам маскан.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тарихингдур бир жаҳон». Маҳмуд ибн Вали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳирмон тўлиб, тўкилди дон».
21.20 Оилавий Шерқўзиевлар ансамбли.
21.45 «Истиқлол тафаккури».
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
23.00 «Валодимиз».
23.15 «Спорт қитъаси».
23.35 «Акс».
23.55 «ТВ плюс...»
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
*
21.00—21.35 Россия давлат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 М.Бафоев, Ю.Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс ансамблининг спектакли.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 Эълонлар.
20.20 Кинематограф. «Тунги талваса» Телесериал.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 «Жонли тил».
22.05 «Кадрлар: мулоҳаза, мунозара ва таклифлар».
22.35 «Дорихона эшитади».
23.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Дутор ва танбур тароналари.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
9.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Қалб кўзгуси». Бадиий-маърифий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Орзу».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Чет тили:
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
12.40 «Хофизлар куйлаганда». Фильм-концерт.
13.15 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
13.40 «Шеърият сарҳадлари».
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.25 «Эл ардоқлаган артист». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Баджахл Бамбр». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур».
18.25 «Мустақиллик мевалари».
18.45 Дилнавоз садолар.
19.05 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Излаган имкон топади». Ўзбекистон электровоз-локомотив депосидаги ташаббус.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сўғдиёна» Францияда.
21.50 Бухоро — 2500. «Бухорои Шариф».
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30—00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу моҳир қўллар». Телефильм.
22.00 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Сахий хонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 Эълонлар.

20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Бизнес-шифокор».
21.45 «Нафосат гулшани».
22.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.45 «Парвоз».
23.15—23.25 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сўғдиёна» Францияда.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Марғилон ипаги».
9.40 «Алпомиш авлодлари». Кураш.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Нуроний». Тележурнал.
10.35 «Абитуриент—97». Математика.
11.05 Гижжак тароналари фестивали.
11.35 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
12.50 «Олтин мих». Мультфильм.
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.20 «Клиника». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўшнилар». Мультфильм.
18.20 «Дунё болалар нигоҳида».
19.00 «Оламни асранг!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Ажиб саодат эрур». Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов.
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Нафис мажлислар».
10.25 «Мусиқий шарҳ».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «ТВ плюс...»
11.25 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 «Кинонигоҳ».

***

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
23.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.20 «7 дан 70 гача».
23.45 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.
21.40 «Севишганлар». Бадиий фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сирдошим».
20.25 «02» тўлқинида.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Эльдорадо». Телесериал.
21.15 «Жаҳон дурдоналари».
21.45 «Бизнес-шифокор».
22.15 «Каталог».
22.25 «Исроилга саёҳат».
22.40 «Интер-спорт».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
8.40 «Юзма-юз».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон», «Афсонавий Бухоро».
9.35 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун қонцерт.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Химия.
11.00 Немис тили.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
12.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.10 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
13.20 «Ўзбекистон қўшиқ фестивали». Ички ишлар вазирлиги бадиий ҳаваскорларининг якуний чиқишлари.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Олтин мерос». Қаюм ота Азимов.
18.35 «Гул кўп, чаман кўп». Телеочерк.
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Индонезия, «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.45 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Индонезия. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Иқтисод алифбоси».
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Ором онлари».
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.40 «Кулгу дарғалари».
9.55 «Кўшиқлар жилоси».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео—«О».
12.20 — 12.50 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Телевидение ва театр».
18.55 Дилором наволар.
19.15 «Ханда дўкони».
19.35 «Бугун кино оқшомида».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 Ешлар дастури:
«XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт курраси».
«Камолот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.05 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
23.30 — 00.20 «Санта- Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Арвона — туркман туяси». Телефильм.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Чўқур». Қисқа метражли бадиий телефильм.
22.00 Хиванинг 2500 йиллигига. «Хива». Манзарали фильм.
22.30 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Маънавият ва Ислом».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Қанотлар».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Эльдорадо». Телесериал.
21.20 «Уй остонадан бошланади».
21.50 «Бу бўстон аро».
22.20 «Латофат».
22.35 Араб эстрадаси.
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Замира Суюнова куйлайди». Фильм-концерт.
9.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9.50 «Шоҳруҳ клуби».
10.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп серияли видеофильм. 10-қисм.
11.55 «Кадрлар — тараққиётимиз негизи».
12.15 «Хабарнома».
12.25 «Эъзоз».
12.45 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
14.10 — 15.10 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
18.25 Дилнавоз садолар.
18.45 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
19.10 О. Эргаш. «Соғинч». Теленовелла.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Лирик тароналар.
21.55 «Азиз сиймолар».
22.15 Диққат, премьера: Ю. Розиқов, «Домла» Кўп қисмли видеофильм. 38-қисм.

Тунги ёғду,
Дам олиш дастури:
22.50 «Куй ва тасвир».
23.10 «Жейн хоним». Бадиий фильм (Буюк Британия).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.20 «Телевидение ва театр».
9.40 Дилором наволар.
10.00 «Ханда дўкони».
10.20 «Ешлар дастури:
«XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт курраси».
«Камолот».
11.05 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
11.30 «Кинонигоҳ».
13.00 — 13.30 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Шанба тақвими».
18.35 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Кулгу дарғалари».
19.00 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
23.50 — 24.00 «Даракчи».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.10 «Сиёҳ одам». Фильм-эртак.
*
18.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.35 София Ротару куйлайди.
23.15—23.30 Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Фирьавн». Бадиий фильм.
10.30 Эълонлар.
10.35 «Шанба эртаги».
11.35 «Спектаклдан сўнг».
12.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.45 «Тақдирлар». Ўзбекистон халқ артисти Валентина Романова.
13.15—13.35 Корейс тилини ўрганамиз.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Чинсен».
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинонинг олтин асри. «Фирьавн». Бадиий фильм.
22.15 «Рақслар қанотида».
22.45 «Бир осмон остида».
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.20 «Хит-коллекция».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам нурга тўлаверсин».
12.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 38-қисм.
13.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
13.25 « Ўзбекистон спорти».
13.40 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.00 — 15.40 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сергайрат кампир», «Ёрдамчилар». Мультфильмлар.
18.20 «Меҳрим сизники». Гулчеҳра Жўраева.
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санъат олами».
20.25



ОМОНАТ

● МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

БИР НЕЧА ёр-дўстлар сайр-саёҳат орзусида сафарга чиқдилар. Бир қишлоққа етганларида Акбар исмли шериклари ўзининг илгариги саёҳати тўғрисида шундай ҳикоя қилди:

— Саёҳатга чиққан вақтимизда ёнимда ўн минг сўмлик олтин пул солинган халтам бор эди. Домғонда турган жойимизда шу халтани ҳеч ким сезмайдиган бир жойга яшириб қўйган эдим. Шуни эсимдан чиқариб, қолдириб кетган эканман. Шу қишлоққа етиб келганимиздан кейин эсимга тушди. Сизларнинг рухсатингиз билан Домғонга қайтиб, халтам яширинган жойни қарадим. Халтани қандай қўйган бўлсам, шундай турган экан. Олдим. Қуёш ботиб, қоронғу туша болаган чоғда бир қишлоққа етиб келдим. Кечани ўша қишлоқда ўтказмоқчи бўлдим. Шу қишлоқлик ўрта ёшли бир киши уйига таклиф этди. Уйи бир неча хонадан иборат бўлиб, бир хонасига мени бошлаб олиб кирди, иззат-икром билан ўтқазиб, овқат келтирди. У билан бирга овқатланиб, сўзлашиб ўтирдим. Истироҳат вақти яқинлашгач, у киши:

— Азиз меҳмонимиз, сиз кечани шу уйда ўтказасиз, кўрпа, ёстиқ, ҳамма нарса анови тахмонда турибди. Агар ёнингизда олтин ва бошқа қимматли нарсаларингиз бўлса, менга бериб қўйинг, ўғрилар сизда олтин борлигини сезган бўлсалар, сизни бу ерда ҳоли топиб, зиён етказишлари мумкин.

Мен халтани унга бердим. Бир оздан кейин эр-хотин турадиган хонадан уларнинг алланималар тўғрисида сўзлашган товушларини эшитиб, жуда ташвишландим. Танимаган, билмаган бир кишига олтинларимни топширганимга пушаймон қилиб, дарҳол уни чақириб:

— Азиз биродар, мен эрталаб барвақт кетаман. Сизни уйғотиб бесаранжом қилишни истамайман, шунинг учун халтамни ўзимга келтириб беришингизни ўтинаман, — деган эдим, у одам дарҳол халтани келтириб бериб, ўз хонасига қайтди...

ХИЁНАТ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, халтанинг ипи ечилмаган, муҳри жойида эди. Шундай бўлса ҳам халтанинг оғзини очиб, олтиларимни санаб чиқдим, бир дона ҳам олтиним олинмаган, ҳаммаси жойида эди. У одамнинг пок виждонли, омонатга хиёнат қилмайдиган бир киши эканига ишондим. Бир оз вақт ўтар-ўтмас, эр-хотин орасида кўтарилган жанжалғавғо товушларини эшитдим. Сакраб ўрнимдан турдим. Улар турган уйнинг эшиги ёнида туриб, жанжалларига қулоқ солдим. Хотин эрига қаттиқ сўзлаб айтарди:

— Ажаб нодон киши экансиз, қўлингизга шунча бойлик тушганда, қўлдан бой бердингиз, у мусофирни йўқ қилиб, олтинларига эга бўлсак, ким билиб ўтирарди?

Уларнинг сўзларини эшитиб, юрагимга ваҳима тушди. Дарҳол халтамни олиб, ўзим жойлашган хонанинг ёнгинасида бўлган дарахтнинг энг юқорисига чиқиб, шоҳ ва барглар орасига беркиндим. Уларнинг 20 ёшлар чамасида бир ўғли бор бўлиб, доимо ичкилик ичиб, маст бўлиб, безорилик қиларкан. Ўша кеча ҳам маст бўлиб келиб, мен турган хонага кирди. Ухлаш учун солган ўрнимга «гуп» этиб йиқилиб, ухлаб қолди. Пок виждонли отасининг сўзлари ўз ўғлига ишора эканлигини энди тушундим.

Эри ухлаб қолгандан кейин хотин секингина ўрнидан турди. Бир катта харсанг тошни кўтариб олиб, мен боя ётган уйга кирди. Уй қоронғи эди. Ўрнимда маст бўлиб ётган ўғлининг ёнига келди. Мени гумон қилиб, унинг бошига харсанг тош билан туширди. Ўғли тил тортмай ҳалоқ бўлди. Кейин хотиржам бўлиб, халтамни излашга киришди, топа олмай, эрининг ёнига қайтишга мажбур бўлди...

ҲИКМАТ: Эй дўстим, омонат қабул қилиб, омон сақлаб, то эгасига топширгунга, сенга кўп ранж етадур. Омонат эгаси сендин ҳеч миннатдор бўлмағусидир ва айтадурким: «Топшурғон молимни олдим, унга не зарар тушди». Демак, чеккан ранжинг зое бўлур. Агар омонатга бир офат етиб, йўқ бўлса, сенинг сўзингга ҳеч киши ишонмайдур ва сен ҳалойиқнинг ўртасида хиёнатчи номи била машҳур бўлурсан. Ана шундай туҳматни бўйинга кўтармак яхши эрмасдур. Агар мункир бўлсанг, сендин жабр-ситам била олурлар. Шундин сўнг сенга ҳеч одам эътибор қилмас!

ЖАЗО

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, хотин эрини уйғотиб:

— Мусофирни ўлдирдим, дарров ўрнингиздан туринг, тонг вақти ҳам яқинлашиб қолди, мусофирнинг жасадини бир илож қилиб кўмайлик, кейин унинг халтасини қидириб топайлик, — деди.

Эри ўрнидан сакраб турди, хотинига лаънатлар ўқиб, у билан бирга ўғли ётган хонага кирдилар. Чироқ ёқиб қарадилар. Ўлдирилган киши мен эмас, ўз ўғли эканини кўрган хотин сочини юлиб, додфарёд қила бошлади. Бу мудҳиш ҳолни кўрган эри:

— Ёвузликнинг жазоси шу бўлади! Бегуноҳ бир киши учун дор қурган эдинг, ўзинг осилдинг, энди дод-фарёдинг ҳеч бир фойда бермайди, — деди.

Хотин йиғлади, ниҳоят, қайғу-аламига чидолмай, ўғлини урган харсанг тошга бошини қаттиқ уриб, ўзини ҳалок этди. Уй эгаси эса мени излашга киришди. Мен дарахтдан тушиб, унинг ёнига келдим.

— Азиз меҳмоним, — деди у, — воқе бўлган бу мудҳиш ҳодисалар сабабидан ҳолингдан хабар ололмадим, узримни қабул қил. Кечаси бошқа ерга яширинб, яхши қилибсан, бўлмаса, ёвуз хотиним ёки ярамас ўғлим сени ҳалок этар эдилар.

Шундай қилиб, Акбар билан бояги номусли киши самимий дўст бўлдилар. Бирбирларинкига меҳмон бўлиб, бориш-келишларини узмадилар...

САБОҚ: Ўзга кишиларнинг сенга ишониб топширган нарсаси ёки раво кўриб айтган сирини маҳкам тутиш, хиёнат йўлига кириб, ошкор қилмаслик, омонат қоидасига амал қилишингдир. Инсоннинг ҳақиқий ишончга сазоворлиги унинг омонатга хиёнат қилмаслиги орқали синалади!

Баҳодир ВАЛИЕВ тайёрлади.



Болаликнинг беғубор онлари...
Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

ОТАЛИҚҚА ОЛИШДИ

Чирчиқдаги 8-ўрта мактаб муаллимлари ва ўқувчилари жамоаси хайрли ишга қўл урди. Улар шаҳардаги 14-сонли ногирон болалар уйини ва умуман жисмоний хаста ёш чирчиқликларни оталиққа олишга қарор қилдилар. Уларга кўплаб китоб, ўйинчоқлар совға қилдилар.

Бундан ташқари, турли хил қўғирчоқлар тайёрлаш бўйича устахона барпо этдилар. Ногирон болалар бу устахонада баҳоли-қудрат ўзлари учун оталиққа олганлар тақдим этган материаллардан турли қўғирчоқлар ясамоқдалар.

Виктор СТАРШИНОВ, «Чирчиқ» газетасининг масъул котиби.

Қилмиш-қидирмиш

ҚОНУННИ МЕНСИМАГАН ПАНД ЕЙДИ

ҚУЙИДАГИ уч ҳолатга эътибор қилинг. Хоҳ ўғирлик бўлсин, хоҳ масъулиятсизлик бўлсин, ёхуд лоқайдлик оқибатида хунук қонунбузарлик ҳолатлари содир этилди. Бундай қараганда, бироз эътибор қилинса ёки масалага сезгирлик билан ёндошилса, уларнинг олдини олиш мумкин бўларди. Лекин, қонун-қоидани менсимаслик, бефарқлик, калта ўйлашлик натижасида одам кўнгилсиз аҳволга дучор бўлди.

... Бекобод туманидаги Зафар қўрғонининг Мустақиллик кўчасида яшовчи Ф. М. ҳаммаҳалласи Камолиддин Алиматовнинг хусусий дўконини бузиб кириб, 23 минг сўмлик газмолларни гумдон қилди. Устига-устак ўғирланган нарсаларни шу кўчада истиқомат қилувчи Б. П га 17 минг сўм бадалига пуллаб юборди. Бебилиска фойдани ўйлаган Б. П. ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолди, деб хомтама бўлиб юраверди. Бироқ ўғри қўлга тушиб, газмолларни кимга сотганлигини айтганидан кейингина сир фош бўлди.

...Ўртачирчиқ туманидаги «Северний маяк» жамоа хўжалигининг 4-бригадаси дала шийпонидан тунда бир нечта қорамол ўғирлаб кетилди. Тергов давомида жиноят содир этилган пайтда шийпон қоровули Сайдулла Тўраевнинг ўз жойида бўлмаганлиги аниқланди. Демак, у жамоа хўжалигига катта моддий зарар етказилишига имконият яратган.

...Оҳангарон туманининг «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Суннатилла Аҳмедовнинг 11 бош қорамоли хўжалик ғаллазорларини пайҳон қилиб ташлади. 20 минг 700 сўмлик зарар келтирилди. Мол эгасига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Аммо, қонун олдида жавоб беришга келганда, С. Аҳмедовнинг юраги дов бермай, қочиб юрди. Лекин, барибир қўлга тушди.

Юқоридаги уч ҳолатда ҳам қонунни менсимаслик, жиноятга жазо муқаррар эканлигини билатуриб, қинғир йўлга киришлик аломатларини кўриб турибмиз. Агар бекободлик Ф. М., Б. П. ларда нинанинг учидек виждон бўлганида, улар зинҳор-базинҳор ўз қилмишларига қўл урмаган бўларди, деб ўйлаймиз. Ўртачирчиқлик Сайдулла Тўраевнинг иши ҳам кишини таажжублантиради. Нима сабабдан у ўзига топширилган жойни ташлаб кетган. Нима бу— лоқайдликми ёхуд масъулиятсизликми? Унинг ҳатти-ҳаракати ҳам турли хаёлларга олиб боради. Оҳангаронлик Суннатилла Аҳмедов эса «болаларча» сувдан қуруқ чиқаман, деб ўйлади. Уни кўрганлар қонун олдида жавоб беришдан чўчимаслик керак эканлигини тушунтирганларида, балки, иш бунчалик «ғовлаб» кетмаган бўлармиди?!

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, ўзгалар мулкига кўз олайтириш, шубҳасиз, нохуш оқибатларга олиб келади. Эндиликда ҳар бир фуқаронинг нафсоний бурчларини ҳуқуқий даражаларга кўтарадиган пайт етиб келди. Шу боис жиноятнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз бўлайлик.

Рустам ЁДГОРОВ, вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚУТБДА ИЛОН НИМА ҚИЛАДИ?

Америкаликлар бўлар-бўлмасга баҳслашишни жуда ёқтирадилар. Жеймс Слокомб ҳам бундан мустасно эмас. У ўртоғи билан баҳслашиб, чанғида Гренландия оролининг бир томонидан иккинчи томонига ўтишга қарор қилди. Жеймс йўлбошловчи билан оролнинг ғарбий қирғоғида жойлашган Кристиансхоб шаҳарчасидан шарқий қирғоқдаги Ангмагссалик шаҳрига қараб йўл олди.

Саёҳатчилар орадан тўрт кун ўтгач чодир ўрнатиш мақсадида қорни кураб ташлаётганларида музлаб кулча бўлиб ётган катта бир илонга кўзлари тушди. Илонда гўё ҳаётдан асар йўқдай эди. Жеймс эҳтиётлик билан топилмани ўраб-чирмаб, озуқа ортилган чанага қўйди-да, сафарда давом этди. Улар Ангмагссаликка етиб келгач, топилма ҳақида маҳаллий журналистлар билан олимларга хабар бердилар. «Гренландия илони» билан танишгач ҳатто АҚШнинг Иллинойс университети олимлари ёқа ушладилар. Улар илонни тирилтирдилару, бироқ бир неча муаммога дуч келиб бошлари қотиб қолди. Хўш, илон қутб ортидаги муз саҳросига қандай қилиб келиб қолди? Бундан ташқари, у ҳали фанга номаълум бўлган бутунлай янги турга мансуб экан. «Чикаго трибюн» газетаси ушбу воқеани эълон қиларкан, дунё ҳалиҳамон ажойиботларга тўла эканлигини таъкидлади.

СИРЛИ ЁНҒИН

Сербиядаги Нова-Пазар шаҳарчаси ёнида Кобеляки қишлоғи бор эди. Бу ерда асримизнинг 20-йилларида Украинадан кўчиб келган кишилар яшардилар.

Ҳозир қишлоқ ҳам, аҳоли ҳам йўқ. Чунки қишлоқ бир неча дақиқа ичида бутунлай ёниб кулга айланди.

Кобелякиликларнинг бир оғиздан айтишларича, қишлоққа ҳеч ким ўт қўймаган. Балки ёнғин ўз-ўзидан чиқиб кетган. Уйлардаги металл жиҳозлар, қозон, чўмич, дазмол, пичоқ, болға ва шунга ўхшаш асбоб-ускуналар ҳеч бир сабабсиз бирданига қизий бошлаган. Мих, игна, қайчи сингари майда жиҳозлар қип-қизил бўлиб қизиб, улардан диван, стол ва деразалар аланга олиб ёна бошлаган. Плуг, бел, паншаха каби қишлоқ хўжалик ускуналари сақланаётган омборхона ва молхоналар ҳам шу тарзда ёнғин ичида қолган. Маълумки, металл юқори частотали ёғду генератори таъсирида қизийди. Аммо Кобеляки қишлоғида бундай қувват манбаи нима қилсин? «Репубблика» газетасининг қайд этишича, олимлар ҳалигача ушбу ёнғин сабабини шарҳлаб беролмаяптилар.

ҚУЮН ИЧИДАН ЧИҚДИ

Шимолий Америкада онда-сонда даҳшатли қуюнлар бўлиб туради. Улар тўсатдан пайдо бўлиб, ҳамма нарсани емирадиган, оғир нарсаларни ҳам чирпирак қилиб учириб, осмону фалакка олиб чиқиб кетадиган даражада кучга эга бўлади.

Бундай қуюнлар, айниқса, Аризона ва Калифорния штатларида тез-тез содир бўлиб туради. Аммо ҳозиргача қуюн учириб кетган бирорта одамнинг тирик қолган вақти бўлмаган.

Рэд Гилкпатрик эса қуюндан омон қолган ягона инсондир. Яқинда у уйига қайтиб келаётганида нимадандир юраги ғаш бўла бошлади. Шунда машинасидан тушди-да, майин эсаётган шамолга юзини тутди. Шу пайт қаердандир қуюн устуни пайдо бўлиб Рэдни ердан узиб олганича чирпирак қилиб учириб кетди. Қуюннинг ички қисми тандирдек қизиган, Рэднинг атрофидан унинг автомашинаси, қандайдир экскаваторнинг чўмичи, катта-катта харсанг тошлар, майишиб кетган металл қувурлар учиб ўтарди. Ҳаво етмай нафас олиши оғирлашди. Шу вақт қуюн кучсизлана бошлади. Бироздан кейин эса Рэд соғсаломат қум тепасига келиб тушди.

Рэд билан содир бўлган воқеа олимларни ғоят қизиқтириб қўйди. Негаки қуюн марказига тушиб қолиб, ундан омон-эсон чиққан дунёдаги ягона инсон фақат Рэд эдида. «Нью-Йорк таймс» газетаси мутахассислар Гилкпатрик воқеаси қуюнларнинг пайдо бўлиши сирини очиб беришидан умид қилаётганликларини билдиради.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Футбол

КЎЗ ТЕГМАСИН, «ДЎСТЛИК»!

Куни кеча мамлакатимиз чемпионатининг 13-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Вилоятимиз вакиллари бу сафар Марғилонда маҳаллий «Атласчи» жамоаси билан майдонга тушдилар. Албатта, ўзга майдонда тўп суриш билан ўз майдонидаги ўйиннинг фарқи бўлади. Лекин «Дўстлик» ўйинчилари Марғилонда ўзларини эркин ҳис этишди. Ўтган галги ўйинда маҳоратини кўрсатиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган Владимир Галянов «Атласчи» дарвозасига ўйиннинг 43-дақиқасида биринчи тўпни киритди.

Иккинчи тайм мезбонларнинг қаттиқ қарши ҳужумлари билан бошланди. Бироқ, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан вакилларимизнинг қарши ҳужуми пайтида ҳужумчимиз О. Пирматовнинг тепган тўпи дарвоза тўрига бориб тушди. 2:0. Ўйин охирлашига икки дақиқа қолганда «Атласчи» жамоасининг ўйинчилари орадаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлишди. Н. Исмоилов оширган тўп Е. Сафонов қўриқлаётган дарвозани забт этди. Ўйин эса 2:1 ҳисобида «Дўстлик» фойдасига ҳал бўлди. Ушбу ўйиндан сўнг «Дўстлик» жамоаси 30 ҳол тўплаб, олий лига жамоалари жадвалида учинчи ўринда мустаҳкам туриб олди. Кейинги ўйинлар 2 июлда ўтказилади. Унда «Дўстлик» Наманганнинг «Косонсой» жамоасини қабул қилади. Биринчи ўринда кетаётган МҲСК «Пахтакор»нинг, «Нефтчи» жамоаси эса «Янгиер»нинг меҳмони бўлади. Қани, кўрамиз, бу уччала ўйин биринчилик учун кураш олиб бораётган жамоаларнинг кўрсаткичини қандай белгиларкин.

Энди жадвал билан танишинг:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Ҳ(о)
1. МҲСК	12	12	0	0	41-10	36
2. «Нефтчи»	12	10	1	1	35-12	31
3. Дўстлик»	13	9	3	1	22-9	30
4. «Навбаҳор»	13	8	3	2	31-12	27
5. «Пахтакор»	13	7	5	1	23-8	26
6. «Бухоро»	12	5	1	6	18-18	16
7. «Трактор»	13	4	4	5	12-13	16
8. «Сўғдиёна»	12	5	1	6	15-17	16
9. «Косонсой»	13	5	1	7	11-23	16
10. «Насаф»	13	3	6	4	13-14	15
11. «Атласчи»	13	4	2	7	15-22	14
12. «Афросиёб»	11	3	2	6	11-16	11
13. «Чилонзор»	12	3	2	7	8-13	11
14. «Хоразм»	12	3	2	7	10-27	11
15. «Янгиер»	12	2	4	6	13-19	10
16. «Андижон»	12	3	1	8	9-22	10
17. «Зарафшон»	12	2	3	7	13-23	9
18. «Сурхон»	10	0	3	7	3-25	3

Қолган ўйинлар натижаси шундай: «Бухоро» — «Янгиер» — 4:0, «Трактор» — «Пахтакор» — 1:1, «Хоразм» — «Навбаҳор» — 0:0, «Косонсой» — «Насаф» — 1:0.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

22 ИЮНЬ — ЮГУРИШ КУНИ

Халқаро Олимпия Қўмитаси ташкил этилган кун ҳамма вақт спортчиларнинг ўзига хос байрами тарзида нишонланиб келинган. Олимпия ҳаракатига қўшилган барча мамлакатларда (улар қарийб 200 та) бу кун қизиқарли оммавий тадбирлар ўтказилади. Жумладан, оммавий югуриш мусобақалари шу кунга режалаштирилади. Бундай мусобақа Ўзбекистонда ҳам ўтказиб келинмоқда. «Олимпия югуриш куни» бу йил мамлакатимизда уч босқичда ўтади ва барча жисмоний тарбия-спорт жамоалари ва жамиятларини қамраб олади. ХОК байрами арафасида 22 июнь якшанба куни пойтахтнинг Мустақиллик майдонида бўладиган якунловчи мусобақада 1,5 минг нафар енгил атлетикачи бош соврин учун куч синашади. Фолибларни «Кока-кола» фирмаси махсус совринлар, эсдалик совғалари билан тақдирлайди.

МУКОФОТ ОЛИБ ҚАЙТИШДИ

Москвадаги Крилатский эшкак эшиш каналида академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада 8 мамлакатдан 300 спортчи иштирок этди. Мусобақада Ўзбекистондан республиканинг энг кучли 10 нафар спортчиси қатнашиб, олти тоифадаги қайиқлар пойгасида беллашдилар.

Ёлғиз қайиқ ҳайдашда бекободлик Наталья Багатова юқори натижа кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритди. Бекободлик Дмитрий Тихонов ва Темир Ғаниев, Нукусдан Баҳодир Давлетёров ва Владимир Гриценко тўрт киши бўлиб қайиқ ҳайдашда бронза мукофотни олди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу Ўзбекистон спортчиларининг катта ютуғидир.

(ЎзА).

Об-ҳаво

ТОҒЛИК ТУМАНЛАРДА...

Республика об-ҳавошуносларининг хабарига кўра, бу сафар ҳам тоғлик ва тоғолди туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Сониясига 15—20 метр тезлик билан шамол эсади. Ёмғир ёққан вақтлари ҳарорат кечаси 15—20, кундузи 30—35, қолган пайтларда эса шу кўрсаткичдан 4—5 даража юқори бўлиши кутилади. Вилоятимизнинг бошқа ерларида ҳаво очиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6